Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2013 йил 12 январь ШАНБА
№ 3 (12.535)

1928 йил 11 декабрда асос солинган
Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси
www.th.uz

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 21 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Ҳурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари!

Сизларни ва барча юртдошларимизни мамлакатимиз ҳаётидаги қутлуғ сана – Ватан ҳимоячилари куни ва Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 21 йиллиги билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиш менга катта мамнуният бағишлайди.

Ўзбекистон Қуролли Кучлари ўтган тарихан қисқа даврда мураккаб шаклланиш йўлини босиб ўтди ва бугунги кунда сон жиҳатдан ихчам, ҳаракатчан, замонавий талабларга жавоб берадиган, яхши тайёргарликка эга бўлган армия сифатида ўзини намоён этмоқда.

Қуролли Кучларни изчил ислоҳ этиш давомида принципиал янги ташкилий-штат тузилмаларини, ҳарбий бошқарув тизимларини, турли қўшин турлари ҳаракатларини мувофиқлаштириш ва уларнинг ҳамкорлигини таъминлаш механизмларини шакллантириш, ҳарбий хизматчиларнинг профессионал тайёргарлигини ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни тубдан яхшилаш бўйича кўлами ва маъно-мазмунига кўра улкан ва беқиёс ишлар амалга оширилди.

Дунёдаги вазият шиддат билан ўзгариб, хавфсизликка нисбатан таҳдид ва хатарлар тобора кучайиб бораётган ҳозирги шароитда Қуролли Кучларни модернизация қилиш ва уларнинг жанговар тайёргарлигини, мамлакатимизга қарши қаратилган ҳар қандай тажовузга ўз вақтида ва муносиб зарба бериш қобилиятини оширишни таъминлаш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Юзага келаётган мураккаб шароитда ядровий технологиялар ва оммавий қирғин қуролларининг тарқалиш хавфи, тобора кучайиб бораётган қарама-қаршилик, сиёсий ва диний радикализм ва экстремизм, чегараларимизга бевосита яқин ҳудудларда можароларнинг давом этаётгани, биринчи навбатда, АЙСЕФ деб аталмиш халқаро коалицион кучларнинг Афғонистондан 2014 йилгача ва ундан кейин олиб чиқиб кетилиши кўзда тутилаётгани билан боғлиқ равишда кескинликнинг янада ортиб бораётгани жаҳон ҳамжамиятида ҳақли равишда хавотир уйғотмоқда. Бугунги кунда дунёда кибержиноятчилик, коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда салбий информацион таъсир ўтказиш каби халқаро хавфсизликка нисбатан илгари кўрилмаган хавф-хатарларнинг авж олаётганига етарли баҳо бермасдан, уларнинг олдини олмасдан, бепарво бўлиб яшаш мутлақо мумкин эмас.

Минтақамизда ташқи кучлар ўртасидаги манфаатлар курашининг кучайиб бораётгани вазиятни янада чигаллаштирмоқда. Чегарага яқин ҳудудларда бузғунчи тўдалар ва қўпорувчи-террорчи гуруҳларнинг фаоллашуви, ижтимоий-иқтисодий муаммолар, сиёсий ва миллатлараро зиддиятларнинг кескинлашиб бораётгани оқибатида ҳарбий-сиёсий вазиятни издан чиқариши мумкин бўлган жиддий таҳдид ва хатарлар пайдо бўлмоқда.

Сарҳадларимизга бевосита яқин ҳудудларда мураккаб вазият юзага келаётгани, биринчи навбатда, юқорида зикр этилган хавф-хатарларнинг олдини олиш ва бартараф этиш, юртимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар кўришни тақозо этмоқда. Бугунги кунда халқаро ҳамжамиятда катта акс садо бераётган ҳужжат, яъни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2012 йил сентябрь ойида қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолият концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги қонун айнан ана шу мақсадларни амалга оширишга қаратилган.

Мазкур ҳужжатда Ўзбекистоннинг турли ҳарбий-сиёсий блок ва альянсларга қўшилмаслиги, ўзининг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш бўйича қатъий позицияга эга экани, ўз ҳудудида хорижий давлатларнинг ҳарбий базалари жойлаштирилишига йўл қўймаслиги, мустақил, изчил ва фаол ташқи сиёсат олиб бориши ҳақидаги принциплар аниқ-равшан баён этилган.

Айни вақтда Қуролли Кучларимизнинг салоҳияти ва жанговар тайёргарлигини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, мамлакатимиз суверенитети ва унинг давлат чегараларини ҳимоя қилиш чораларини кучайтириш борасидаги ишларни давом эттириш ана шу ташқи сиёсий стратегияни изчил амалга ошириш, Ўзбекистоннинг хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлашнинг энг муҳим шарти ва кафолатидир.

Қуролли Кучларни қўллаш стратегияси ва тактикасини янада такомиллаштириш, жанговар операцияларни олиб бориш бўйича замонавий тажрибани чуқур ва пухта эгаллаш, шунингдек, шерикларимиз бўлган мамлакатлардаги ўқув ва тадқиқот марказларида қўмондонлик таркибининг малака ошириши бўйича узоқ муддатга мўлжалланган режаларни амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этади.

Давлат чегараларимизни қўриқлаш ва ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш, бўлинмаларни реал вақт мезонлари асосида самарали бошқариш имконини берадиган замонавий ахборот-коммуникация воситалари ва технологияларини қўшинларни бошқариш тизимига кенг жорий этиш бўйича бошлаган ишларимизни изчил давом эттириш ва чуқурлаштириш даркор.

Қўшинларнинг ўқув, жанговар тайёргарлиги маъно-мазмунини тубдан ўзгартириш Қуролли Кучлар қўмондонлигининг устувор вазифаси ҳисобланади. Тезкор-тактик, қўмондонлик-штаб ўқув машқларини пухта режалаштириш, уларни жанговар шароитларга имкон қадар тўла яқинлаштирган ҳолда олиб бориш тизимини такомиллаштириш масалалари ҳам ғоят жиддий эътиборни талаб қилмоқда. Ўқув машқлари давомида моделлаштириш ва симуляция усулларидан фаол ва кенг фойдаланиш, мамлакатимиз ҳудудига суқилиб киришга уринадиган бузғунчи тўдалар, қўпорувчи-террорчи гуруҳларни бартараф этиш бўйича жанговар операцияларни олиб боришнинг турли модель ҳамда вариантларини синаб кўриш муҳим аҳамиятга эга.

Қуролли Кучларни замонавий қурол-аслаҳа ва техника билан қайта таъминлашни давом эттириш доимий эътиборимиз марказида бўлиши шарт. Бу соҳада шерикларимиз бўлган хорижий мамлакатлар билан халқаро ҳарбий-техник ҳамкорликни яхшилаш ва унинг кўламини кенгайтириш зарур.

Ҳарбий кадрлар, биринчи навбатда, чуқур билимга эга бўлган ва замонавий фикрлайдиган, интеллектуал етук офицерларни, шунингдек, бугунги кунда армиямизнинг ўзагини ташкил этаётган юксак профессионал малакали кичик командирлар – сержантларни тарбиялаш тизимини тубдан яхшилаш ҳам Қуролли Кучлар қўмондонлиги фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан бири бўлиши даркор.

Бу борада ҳарбий билим юртлари ва сержантлар мактабларида ҳарбий кадрларга ҳарбий соҳа ва ҳарбий санъат ривожидаги асосий тенденцияларни акс эттирадиган, принципиал жиҳатдан янги мутахассислик ва илм-фан йўналишларини жанговар ҳаракатларни олиб боришнинг хорижий тажрибаси, замонавий шакл ва методларини ҳисобга олган ҳолда ўргатиш олдимизда турган ишларнинг энг масъулиятли жабҳаси, десам, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Армияда офицерлар, сержантлар ва оддий аскарларда юксак маънавий фазилатлар, мустаҳкам ирода, Ватан тақдири учун масъулият ҳиссини камол топтириш, ҳарбий жамоаларда соғлом ахлоқий-руҳий муҳитни шакллантиришга қаратилган тарбиявий ишлар тизимини тубдан яхшилаш Қуролли Кучларимиз барча бўғинлари командирларининг алоҳида муҳим вазифасидир.

Шуни яхши англаб олиш керакки, бугунги кунда ҳарбий хизматга чақирилаётган ёшлар аввалги йиллардаги муддатли ҳарбий хизматчилардан мутлақо фарқ қилади. Ҳозирги вақтда мустақиллик йилларида туғилиб вояга етган, мамлакатимиздаги лицей ва коллежларда энг замонавий таълим-тарбия олган йигитлар армия сафларига кириб келмоқда. Улар замонавий ахборот, компьютер технологияларини, хорижий тилларни пухта эгаллаган ва энг асосийси – ҳаёт ҳақида ўзининг мустақил фикри ва қарашига, ахлоқий-маънавий қадриятларига эга бўлган ёшлардир.

Муддатли ҳарбий хизматчиларнинг, миллий армиямизнинг ана шундай янги қиёфасини ҳисобга олган ҳолда, эски қолип ва мезонлардан қатъий воз кечиб, мавжуд Умумқўшин уставлари, қўлланмалари, қоида ва йўл-йўриқларини, ўқув-тарбия ишларини, қўшинларнинг жанговар хизмат фаолиятини ташкил этишнинг шакл ва методларини тубдан қайта кўриб чиқиш зарур.

Ушбу йўналишдаги ишларимизнинг бош мақсади Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилаётган ёшларда қатъий ирода ва характер, ҳаётий позицияни шакллантириш, уларнинг юксак инсоний фазилатлар соҳиби ва жисмоний чиниққан бўлишларига эришиш, ўз билим ва малакасини такомиллаштириш, фан-техника янгиликларини эгаллаш, мамлакатимизда хавфсизликни таъминлаш, тинчлик ва барқарорликни ҳимоя қилиш борасидаги ўзининг ҳарбий бурчини сидқидилдан адо этиш учун интилиб яшашга хизмат қиладиган муҳитни мустаҳкамлашдан иборат бўлиши керак.

Бу вазифани амалга оширишга Мудофаа вазирлиги қошида ташкил этилган Жамоатчилик кенгашини, маданият, санъат, спорт намояндалари, мамлакатимиз кенг жамоатчилиги вакилларини фаол жалб этиш лозим.

Юртимизда 2013 йилнинг Обод турмуш йили деб эълон қилиниши муносабати билан ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, замонавий ҳарбий шаҳарчалар қуриш ва мавжудларини реконструкция қилиш, уларда бугунги кун талабларига, ҳарбий хизматчилар ва оила аъзоларининг эҳтиёжларига жавоб берадиган барча қулайликларни яратишга қаратилган давлат дастурларини изчил амалга ошириш Мудофаа вазирлиги, ҳарбий тузилмаларга эга бўлган вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, ҳарбий округлар қўмондонлигининг энг муҳим вазифасидир.

Қуролли Кучларимиз олдига қўйилган бундай долзарб вазифаларни амалга ошириш Мудофаа вазирлиги, Бирлашган штаб, ҳарбий округлар ва қўшин турлари қўмондонлари, бригада командирлари, барча офицерлар таркиби томонидан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Олий Бош Қўмондонининг миллий армиямиз ташкил этилганининг 21 йиллиги байрами муносабати билан қабул қилинган Директивасида баён этилган кўрсатма ва қоидаларни сўзсиз бажаришни тақозо этади.

Ҳурматли ватандошлар!

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 21 йиллиги муносабати билан сизларни яна бир бор табриклар эканман, бугунги кунда миллий армиямиз сафларида мураккаб ва масъулиятли вазифани, Ватан олдидаги ўзининг муқаддас бурчини шараф билан адо этиб, мардлик ва жасорат намунасини кўрсатиб келаётган барча ҳарбий хизматчиларга чин қалбимдан миннатдорлик билдираман.

Янги 2013 йилда сизларга мустаҳкам соғлиқ, юртимиз тинчлиги ва осойишталиги йўлидаги олижаноб фаолиятингизда ютуқ ва зафарлар, куч-ғайрат, оилаларингизга бахту саодат, файзу барака ёр бўлишини тилайман.

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони.**

Ватан ҳимояси – муқаддас бурч




# ҲАРБИЙ ХИЗМАТ – ҚАЛБИМ ДАЪВАТИ

*Чирчиқ шаҳридаги Десантчилар ҳарбий қисмида хизмат қилаётган Расулжон Норматовни аввало, тақдир ёрлақаган, қолаверса, тарбияси, имон-эътиқоди, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик фазилатлари умрига мазмун, ҳаётига жўшқинлик бағишлаган десак, хато бўлмас.*

(Давоми 2-бетда).

**СУРАТДА:** (чапдан) оддий аскарлар Ғиёс Комилов ва Меҳриддин Раҳимов устози Расул Норматов (ўртада) билан.
**Даврон АҲМАД олган сурат.**

# ТИНЧЛИК ВА ХАВФСИЗЛИГИМИЗ ҚАЛҚОНИ

**Мустақиллик туфайли ҳаётимизнинг барча жабҳаларида улкан ўзгариш ва янгиланишларга гувоҳ бўлиб турибмиз. Ҳеч кимдан кам эмаслигимизни, ҳеч кимдан кам бўлмаслигимизни дунёга баралла айтмоқдамиз.**

Англаган бўлсангиз, гап онг, шуур, қалб уйғоқлиги ҳақида бораяпти. Қалби, онгу шуури уйғоқ одамнинг миллатни, юртни ҳимоя қилиш қудрати юксак бўлади. Баркамол инсон, комил шахсни тарбиялашдек устувор мақсадимиз замирида шундай моҳият ётади.

Ўтган йиллар миллий уйғониш учун, маънавий-руҳий бойликларимизни англаш, демакки, Ватан ва аждодлар руҳи олдидаги бурч, масъулият туйғуларини теран ҳис қилишимиз учун етарли бўлди. Тадқиқотчи сифатида халқ орасида кўп юрамиз, суҳбатлашамиз. Қувонарлиси шундаки, уларнинг қалбида, онгида улкан ўзгаришлар содир бўлаётганини сезамиз. Бугун халқимиз азалий қадриятларга суяниб, ривожланган давлатлар тажрибасини ҳисобга олиб, озод, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлидан бораётганимизни яхши англайди. Энг муҳими – бундай имкониятларга мустақиллигимиз сабаб эканини билади. Шу англаш, шу билишнинг ўзи – қудратли куч. Бу куч инсонлардаги фаол ҳаётий нуқтаи назардандир.

Нега айнан шу тушунчага урғу бераяпмиз? Сабаби – бугун фаол ҳаётий позиция ҳар қачонгидан-да, муҳим, зарур. Жаҳон миқёсида кечаётган глобаллашув жараёнида турли сиёсий кучлар ва марказларнинг "оммавий маданият" ниқоби остида аҳолининг кенг қатламлари, айниқса, ёшларнинг қалби ва онгини эгаллашга қаратилаётган уринишлари, ошкора ва пинҳона ахборот хуружлари тобора кучайиб бораётган бир пайтда воқеа-ҳодисаларга ҳушёр, сергак нигоҳ ташлашимиз, танлаган йўлимиздан оғишмаслигимиз учун ҳам ўта муҳим, деб ўйлайман.

(Давоми 2-бетда).

Мулоқот

# ҲАМЖИҲАТЛИК – МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

**Вилоят матбуот ва ахборот бошқармасининг Обод турмуш йилидаги илк йиғилиши бўлиб ўтди.**

**Республика матбуот ва ахборот бошқармаси ходимлари, вилоят, шаҳар, туман газета ва журналлари муҳаррирлари, босмахона ва нашриёт вакиллари иштирок этган йиғилишни вилоят ҳокими ўринбосари Алимардон Қаршиев бошқарди.**

Қатнашчилар бошқарма бошлиғи Зарифа Эралиеванинг янги йилда амалга ошириладиган ишлар режаси ҳақидаги ахборотини тинглаб, таклиф ва мулоҳазаларини баён этишди.

Янги сайланган бошқарма кенгаши аъзолари ҳар ойда учрашиб, фаолиятларини таҳлил қилиб боришлари ҳақида келишиб олишди.

**Сайёра ЭШМАТОВА.**

# ВИЛОЯТ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

**Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг 2012 йил 28 декабрдаги қарорига мувофиқ жорий йилнинг 27 январь куни Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг 1-Ангрен, 22-Ғазалкент, 46-Қизғалдоқ, 53-Эски Тошкент ва 58-Ниёзбош сайлов округлари бўйича бўшаб қолган ўринларга сайлов ўтказилади.**

Шу муносабат билан Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссиясининг уч йиғилиши бўлиб ўтди.

"Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, шунингдек, вилоят сайлов комиссиясининг мазкур сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режасидан келиб чиққан ҳолда тегишли округ сайлов комиссиялари тузилди ва уларнинг таркиблари тасдиқланди. Бу таркиб «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталарининг шу йил 9 январь сонида эълон қилинди.

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссиясига мамлакатда фаолият юритаётган тўртта сиёсий партиянинг Тошкент вилояти кенгашларидан бўшаб қолган ўринларга ўтказиладиган сайловда иштирок этиш ҳақида аризалар келиб тушди.

Вилоят сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилишида сиёсий партиялар томонидан тақдим этилган ҳужжатларнинг қонун талабларига мослиги ўрганиб чиқилди ва барча сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этишига ижозат бериш ҳақида қарор қабул қилинди.

"Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 21, 44-моддаларига мувофиқ қарорда сайловда иштирок этувчи сиёсий партияларнинг рўйхати сайлов комиссиясига аризалар келиб тушиши навбатига қараб қуйидаги тартибда қайд этилди: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси.

Вилоят сайлов комиссияси шу кунларда ўзининг чора-тадбирлар режасига асосан сиёсий партияларнинг Тошкент вилояти кенгашлари депутатликка номзодлар бўйича тақдим этган маълумотларни ўрганмоқда.

# ВАТАН ҲИМОЯСИ – МУҚАДДАС БУРЧ

## ТИНЧЛИК ВА ХАВФСИЗЛИГИМИЗ ҚАЛҚОНИ

Миллий армиямизга муносиб бўлиш масъулияти ҳарбий хизматчилардан, энг аввало, юрт тақдири ва истиқболига дахлдорлик туйғусидан келиб чиқиб, танлаган касбига ёндошишини тақозо этади. Бугуннинг посбони юксак ақл-заковати, мустаҳкам иродаси, Ватанига, халқига садоқати Қуролли Кучларимиз жанговар салоҳиятини оширишда муҳим омил эканини қалбан ҳис қилиши лозим.

Мустақилликни эълон қилган вақтимизда ўз кучимиз ва қудратимизга таяниб, ўзимиз истаган жамиятни қуриш, ҳеч кимга қарам бўлмаслик ҳуқуқини қўлга киритганимизни, бу ҳуқуқимизни ўзимиз ҳимоя қила олишимизни дунёга баралла айтдик. Негаки, мустақиллигини, ўзи танлаган тараққиёт йўлини ҳимоя қилолмайдиган миллат эркин яшай олмайди. Шу маънода, Ватанимизни кўз қорачиғидек асраш, ҳар қандай хавф-хатарни бартараф этишга тайёр туриш, ёвуз ниятли кучларга зарба бериш учун қудратли Қуролли Кучларга эга бўлиш йўлида мустақиллигимизнинг дастлабки онларидан бошлаб Президентимиз раҳнамолигида муҳим ишлар амалга оширилди. Миллий армиямизни барпо этиш масаласига давлат ва жамият қурилишининг ғоят муҳим, узвий қисми сифатида қаралди.

Ҳозирги кунда мустақил йўлимизга назар ташлар эканмиз, Президентимиз – Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонининг бевосита раҳбарлигида ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда давр талаби ва жаҳон андозаларига жавоб берадиган Қуролли Кучларни барпо этиш, мамлакатимиз мустақиллиги, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминлаш, барқарор ва изчил демократик тараққиётимизнинг ишончли кафолати бўлган миллий армиямизни шакллантириш йўлида кенг кўламли ва моҳиятан улкан ишлар қилинганига гувоҳ бўлиб турибмиз.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида Қуролли Кучларнинг ҳуқуқий мақоми аниқ белгилаб берилган бўлиб, Ўзбекистон давлатининг суверенитети ва ҳудудий яхлитлиги, чегараларимиз дахлсизлиги, аҳолининг тинч, осуда ҳаёти ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида тузилиши қайд этилган.

Ҳарбий хизматнинг нуфузини ошириш, маънавий-маърифий тайёргарлик самарадорлиги ва қўшинларнинг жанговар шайлигини юксалтириш, муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш, шунингдек, ҳар томонлама етук, Ватанга садоқатли ёшларни тарбиялаш, Қуролли Кучлар, ҳуқуқни мухофаза қилиш органларини, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги армия мактабини ўтаган мард ва ватанпарвар кадрлар билан тўлдириш, бунинг учун пухта тайёргарлик кўрган резерв барпо этиш мақсадида қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди. Айниқса, мустақиллик йилларида миллий армиямизда амалга оширилган улкан ислоҳотлар фуқароларнинг ҳарбий хизмат сирларини пухта эгаллаш баробарида, жисмонан чиниқиши, баркамол инсон сифатида шаклланиши, яхши фазилатлар эгаси бўлиб вояга етишида ҳаёт мактаби вазифасини ўтамоқда. Конституциявий бурчни ўтаб қайтган ўғлонларга ҳукуматимиз томонидан катта эътибор қаратилаётгани, ғамхўрлик кўрсатилаётгани халқимизнинг, айниқса, ёшларнинг армияга муносабатини тубдан ўзгартирди, ҳарбийлик юртимиздаги орзуга сазовор касблардан бирига айланди.

Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ муддатли ҳарбий қисмлар қўмондонлигининг тегишли тавсияномаларини олган фуқаролар барча йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича бакалаврлар тайёрлашда республиканинг олий таълим муассасаларига киришда тўплаш мумкин бўлган максимал балларнинг 27 фоизи миқдорида қўшимча балл шаклидаги имтиёзга эга бўлдилар.

Ушбу қарорга асосан, тавсияномалар берилган санадан бошлаб уч йил мобайнида амал қилади.

Юртимиз тинчлиги бебаҳо бойлигимиздир. Тинч ва осуда ўтган ҳар бир кунимиз Ватанимиз равнақи ва давлатимизнинг гуллаб яшнаши, моддий ва маънавий қудрати ошишига хизмат қилади. Фурсатдан фойдаланиб, она-заминимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлашга, тинчлик ва хотиржамликни сақлашга ҳисса қўшаётган барча ҳарбийларимизни Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 21 йиллиги билан қутлаймиз.

Мардлик, жасорат ва фидойилик ҳамиша ҳамроҳлари бўлсин!

**Мирислом БАДАЛОВ,**
**тадқиқотчи.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

## ҲАРБИЙ ХИЗМАТ – ҚАЛБИМ ДАЪВАТИ

Бу ҳақда сержант Расулжон Норматовнинг ўзи шундай дейди:

– Тақдир менга мустақил Ўзбекистондек мамлакатда туғилиб, шу юртнинг ўғлони бўлиш бахтини берди. Болалик чоғимданоқ ҳарбийларга, уларнинг юриш-туриши, кийимларига ҳавасим келарди. "Катта бўлсам, албатта армияга бораман", дея орзу қилардим. Ота-онамдан ҳарбий хизмат ҳақида эшитганларим шуки, ўзга юртларда эмас, ўз Ватанида ўз ери, она юрт сарҳадларини мардона ҳимоя қилиш имкониятини берган Истиқлол энг улуғ неъмат экан...

Асли жиззахлик Расулжон 2001 йилда ҳарбий хизматга чақирилди. Десантчилар ҳарбий қисмида Ватанни ҳимоя қилиш сирларини ўрганди. Бир ярим йил ичида одоб-ахлоқи, тиришқоқлиги, чаққонлиги билан назарга тушди.

Ҳарбий соҳага бўлган қизиқиши туфайли хизматдан сўнг сержантлар тайёрлаш мактабида ўқиб, "Кичик сержант" унвонига эга бўлди. 2005 йилда эса ўқишини давом эттириб, сержант бўлди. Шу-шу десантчилар ҳарбий қисми Расулжон учун қадрдон масканга айланди.

Жамоат ишларида фаол сержантнинг спортга қизиқиши, айниқса, эътиборга тушди. Тошкент вилояти ҳарбий округи ҳарбий қисмлар ўртасидаги спорт мусобақаларида тош кўтариш бўйича яхши натижаларга эришди. 2 та 24 килограммли тошларни силташ, даст кўтариш бўйича 2006-2010 йилларда совринли ўринларни эгаллади. Чаққонлик, абжирлик йигит кишининг зийнати. 2012 йилда ҳарбий техникаларни таъмирлаш бўйича республика ҳарбий қисмлари ўртасидаги мусобақада фахрли 1-ўринни эгаллагани ҳам Расулжон Норматовнинг ўз вазифаси, бурчига бўлган иштиёқи садоқатидан дарак.

Булар ҳарбий қисм ўқитувчисининг Мустаҳкам оила йилида эришган ютуқлари. Нафақат Ватан, аввало оиласининг ҳам мустаҳкам устуни, ҳимоячиси Расул Норматовнинг 2 ўғил ва бир қизи бор. Ота сифатида ўғилларини ҳам Ватанига муносиб фарзанд, юрт ҳимоясини муқаддас бурч дея идрок этадиган ҳарбий хизматчи бўлиб етишишларини орзу қилади. Бу ниятлар ижобатига шак-шубҳа йўқ. Зеро, ботир ўғлонлар қўриқлаётган сарҳадлари дахлсиз, осмони мусаффо, эл-юрти тинч, озод Ватани, мустаҳкам қўрғони бор. Обод турмуш учун интилаётган меҳр-оқибатли, садоқатли ватандошлар ҳамиша ҳамкор, ҳамқадам.

**Саида РАҲМОНОВА.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

## МУКОФОТ МУБОРАК!

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2013 йил 10 январдаги "Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ давлатимзинг мудофаа қудратини янада юксалтириш, миллий хавфсизликни ва мамлакат чегаралари дахлсизлигини таъминлаш, ёшларни миллий истиқлол ғояси ва она Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш ва тинчликни таъминлаш, барқарорлик ва жамоат тартибини мустаҳкамлаш борасидаги хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани учун бир гуруҳ юртдошларимиз Ватанимизнинг юксак мукофотлари – унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирландилар. Улар орасида вилоятимиз вакиллари ҳам бор. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги «Қамчиқ» қидирув-қутқарув отряди йўриқчи-қутқарувчиси Мурад Байчаев, вилоят Ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Мирағзам Мирзаев "Содиқ хизматлари учун" медали билан тақдирланди.*

## ИСТИҚЛОЛ ПОСБОНЛАРИ

*Нурафшон тонг, тиниқ осмон,*
*Дилимизда эзгу тилак.*
*Хавф сололмас ҳеч бир душман,*
*Сарҳадларда турар сергак*

*Юртнинг жасур ўғлонлари,*
*Истиқлолнинг посбонлари.*

*Ғайрати жўш урар танда –*
*Амир Темур қони бордир.*
*Бу мустақил, ҳур Ватанда*
*Мангуберди каби ботир*

*Юртнинг жасур ўғлонлари,*
*Истиқлолнинг посбонлари.*

*Тинчлик бўлгай, гуллар унгай,*
*Ҳур диёрим тупроғида.*
*Хизматида собит тургай,*
*Ватан меҳри ардоғида*

*Юртнинг жасур ўғлонлари,*
*Истиқлолнинг посбонлари.*

**Маъмур БОЗОР АЛИ.**

## АРМИЯ – ДАВЛАТ ТАЯНЧИ

**Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 21 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган илмий-амалий конференция ва давра суҳбатларидан бири Чирчиқ шаҳридаги офицерлар саройида бўлиб ўтди.**

Унда ҳарбий соҳа вакиллари, республика маънавият, тарғибот, миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказлари ходимлари, нуфузли олий ўқув даргоҳлари профессор-ўқитувчиларининг мавзуга доир маърузалари тингланди.

**Саида РАҲМОНОВА.**
**Азамат АҲМЕДОВ олган сурат.**



## ЮРТ САРҲАДЛАРИ ИШОНЧЛИ ҚЎЛЛАРДА

**Ҳар бир кишининг туғилиб ўсган гўшаси, маҳалла-кўйи, шаҳар ё қишлоғи ва буларнинг барчасини бағрига олган мамлакати бор. Бу Ватандир: унинг ўтмиши, бугуни ва келажаги бор. Мамлакатнинг ҳар бир фуқароси ўз юрти тарихини билиши, аждодлар мероси ва анъаналарини ҳурмат қилиши, уни давом эттириши лозим. Айни чоғда у Ватан келажаги ҳақида ҳам қайғуриши ва шунга замин яратиши, ўтмиш ва келажак ўртасидаги бурчини адо этиши керак бўлади. Яъни, Ватанни севиш сўзда эмас, амалда кўринмоғи шарт. Ватаннинг иссиқ-совуғини тенг кўрмоқ, унинг маъмурлиги, маъсудлиги учун ўзини масъул тутмоқ, Ватан ҳифзу ҳимоясига ҳар дақиқа ҳозир турмоқ, лозим бўлганда ҳеч иккиланмай, жон фидо қилмоғи лозимдир. Зеро, Ватанни севмоқ имондан бўлганидек, унинг ҳимояси ҳам имондандир.**

Бошқа бир Ҳадиси муборакда таъкидланганидек, "Молини, жонини, динини ва аҳлини ҳимоя қилиш йўлида ҳалок бўлган киши шаҳид мақомидадир". Мол, жон, дин, оила... буларнинг барчаси, бир сўз билан айтганда – Ватандир.

Бундан йигирма тўрт аср муқаддам тарих саҳнасига чиққан Искандар Мақдуний қисқа фурсатда ён-атрофдаги катта-кичик давлатларни тиз чўктира бошлади. Айниқса, қудратли аҳмонийлар империясини осонгина қўлга киритгач, Искандар жуда руҳланиб кетди. Назарида энди унга қарши чиқадиган бирор довюрак топилмайдигандек эди. Бироқ шундай инсон топилди ва Искандар юртимизга бостириб кираркан, илк бор тиши синди. Спитамен исмли баҳодир бир неча юз аскари билан уни довдиратди. Сўғдлар, бақтрияликлар, массагетлар Спитамен ғалабаларидан руҳланиб унга келиб қўшилдилар. Аммо кучлар тенг эмасди. Искандар жангларда пишган, тиш-тирноғи билан қуролланган кўп сонли мунтазам қўшинга эга эди. Ватан ҳимоячилари эса етарли қурол-аслаҳасиз, ҳарбий тажрибасиз, қурама кўнгиллилардан иборат бўлган. Бироқ уларнинг юрагида ватанпарварлик туйғуси, босқинчига нисбатан адоқсиз нафрат ҳисси кучли эди. Улар шунга таянарди... Айрим қабила амалдорларининг хоинлиги туфайли гарчи қўзғолончилар мағлубиятга учраган эса-да, ўзини сал кам илоҳ даражасида ҳис қилган Искандар Мақдуний осмондан ерга тушди. Шаҳди сўнди. Кўплаб қудратли давлатларни қисқа фурсатда бўйсундирган босқинчилар Марказий Осиё забти учун роса уч йил заҳмат чекди...

Милодий ўн учинчи аср биринчи ярмида Чингизхон юртимизга кўз тикди. Кўплар, ҳатто, Муҳаммад Хоразмшоҳ ҳам мўғулни худди македон қўшинидек енгилмас лашкар деб, унга қарши чиқишга ботинмади. Эгасиз халқ пароканда бўлди. Буюк ватанпарвар, пири муршид Нажмиддин Кубро ёши бир ерга бориб қолганига қарамай, садоқатли муридлари билан Гурганж ҳимоясида турди ва шаҳид бўлди. Эгасиз мамлакат халқини бирлаштириш, уни душманга қарши жангга бошлаш учун Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик каби ориятли зотлар азму шижоат кўрсатишди. Хусусан, Жалолиддин ўн йилдан ортиқ вақт Чингизхонни таъқиб этди. Қайта-қайта ҳужумлар уюштириб, мўғулнинг катта-кичик лашкарини тор-мор этди. Нажмиддин Кубро, Жалолиддин ҳамда Темур Маликдек сиймоларни ваҳший куффор галасига қарши чиқишга ундаган нарса ҳам, шубҳасиз, уларнинг Ватанга бўлган чексиз муҳаббати эди...

Мамлакатни мўғул балосидан қутқарган, марказлашган буюк давлат барпо этган Соҳибқирон Амир Темур: "Аскарлари бақувват эл қудратли бўлур, қудратли элнинг аскарлари бақувват бўлур" дея таъкидлар эди. Бу ўринда гап фақат аскарнинг жисмоний кучқуввати, пухта жанговар тайёргарлиги ҳақида бораётгани йўқ, албатта. Биринчи навбатда инсонда имон бақувват бўлиши керак. Соҳибқирон Амир Темур қатъиятли инсон бўлган, ор-номус, эл-юрт шаънини биринчи ўринга қўйган ва садоқатли, ориятли, имони бақувват зотларни ҳамиша қадрлаган, уларга таянган. У лашкаридаги ҳар бир навкарга ғамхўрлик қилар, "...боқий ҳаётларини фоний дунё нақди учун аямаганликларининг ўзигагина инъомга лойиқдирлар" деб биларди.

XIX асрнинг олтмишинчи йилларидан бошлаб юртимиз Чор ҳукумати тасаррруфига ўта бошлади. Бу мағлубиятга ҳарбий кучлар ўртасидаги катта тафовут сабаб қилиб кўрсатилади. Тўғри, ўша даврда Чор қўшини замонавий ҳарбий техникага, салоҳиятга эга эди. Биздаги учала хонликда эса ҳарбий қудратни ошириш қўшинни замонавий қурол-аслаҳа билан таъминлаш, мамлакат чегараларини мустаҳкамлаш деярли ўз ҳолига ташлаб қўйилган эди. Энг ёмони – хонликлар ўртасида келишмовчилик, адоват авж олган, юрт ҳукмдорлари эса умумватан тақдири билан эмас, ўзаро хусумат, ўч олиш ташвишида банд эди. Натижада мамлакат асоратда қолди, халқимиз сал кам бир ярим аср мустамлака азобини тортди.

"Ҳуббул Ватани – минал имани", яъни Ватанни севмоқ имондандир, дейилади Ҳадиси шарифда. Айни чоғда "Ҳифзул Ватани – минал имани", яъни Ватанни ҳимоя қилмоқ ҳам имондандир.

Тасаввур қилинг, Нажмиддин Кубро ҳазратлари ёғий таклифига кўниб, оила аъзолари ва муридларини олиб, Гурганждан чиқиб кетганида, мукаммал имон эгаси саналармиди?! Гурганж осойишта эканлигида умргузаронлик қилган, эл-юрт эъзозида бўлган Шайх, юртнинг оғир кунида, жонини омон сақлаш учун уни ташлаб қочиши юртдошлари олдида ҳам, Яратганнинг олдида ҳам хоинлик, хиёнат, кечирилмас гуноҳ ҳисобланарди. Зеро, имон эгалари ҳамиша, ҳар қандай вазиятда сўз ва амалда собит турганлар.

Тарих – буюк тарбиячи. Ўтмиш воқеалари, у яхши бўлсин, ёмон бўлсин, кейинги авлодлар учун сабоқдир, ибратдир. Яхшисидан ўрганиб, ёмонидан тийилиш лозим. Шу маънода юртимизда Истиқлолнинг биринчи кунлариданоқ аждодларимиз меросига, тажрибаларига таянган ҳолда сиёсат юритилгани ғоятда оқилона иш бўлди. Етилган тарихий вазият туфайли мустақилликка қуролли кучлар аралашувисиз, тинч йўл билан эришдик. Аммо, уни сақлаб қолиш осон эмаслиги кундай равшан эди. Шу сабабли 1992 йилда ихтиёримизга ўтган ҳарбий Қуролли Кучларимизни – миллий Армиямизни бошқаришнинг янги тизимини шакллантиришимиз лозим эди. Армияни қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминлаш, қўшинларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилди.

Бугун ҳарбий хизматни ўтаётган ёшлар кечагина умумтаълим мактаби ўқувчиси эди ва ҳарбий хизматга келгунга қадар муайян кўникмалар ҳосил қилиши лозим бўлади. Айтиш мумкинки, мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилган ислоҳотлар, жумладан, уч босқичли ("Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", "Универсиада") спорт мусобақаларини мунтазам ўтказиш йўлга қўйилгани, бу – бўлажак ҳарбий хизматчиларни, Ватан ҳимоячиларини вояга етказишда ғоят муҳим аҳамият касб этмоқда. Президентимиз комил ишонч билан таъкидлаганидек, "...бу кескин спорт мусобақалари ёш авлодимизни Ватанни ҳимоя қилишга, уни улуғлаш, қудратига қудрат қўшиш, халқаро майдонларда унинг обрў ва нуфузини янада юксалтиришга қодир бўлган инсонлар этиб тарбиялашга хизмат қилиши шубҳасиз".

Истиқлол йилларида асрлар давомида орзу қилганимиз – мустақил Ватанимизнинг қудратли ҳимоячиси бўлган ўз миллий Армиямиз шаклланди. Бугун армия сафида хизмат қилаётган ёшларимизни нафақат жисмоний бақувватлиги, жанговар ва сиёсий тайёргарлигига, балки уларнинг маънавияти юксаклигига, ор-номусли, Ватан шаънини, дахлсизлигини биринчи ўринга қўядиган ҳақиқий ватанпарвар қилиб тарбиялашга эътибор қаратилаётир. Шонли аждодларимиз ибрати, уларнинг ўлмас анъаналари ёшларимиз онг-шуурига сингдирилмоқда. Демак, комил ишонч билан айтиш мумкинки, Ватан ҳимояси, Истиқлолимиз тақдири ишончли қўлларда. Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди каби буюкларимиз ворислари қўлида.

**Азимжон АЛИМЖОНОВ,**
**Олмалиқ шаҳар бош имом-хатиби.**

## УЛАР ҲАМИША ХОТИРАМИЗДА

**Яқинда Янгийўл туманида катта лейтенант Шермуҳаммад Ашировнинг қариндошлари хонадонида бўлдик. Шермуҳаммад 2000 йилда Ватанимизни ҳимоя қилиш чоғида ҳалок бўлган. У кўрсатган мардлиги ва жасорати учун Президентимиз фармонига кўра II даражали "Шон-шараф" ордени билан мукофотланган.**

Йўловчилар билан тўла машина чайқала-чайқала секинлик билан борарди. "Ашировлар уйи қаерда?" деб сўрадим рўпарамда ўтирган ўрта ёшли кишидан. У менга Ашировларнинг уйи, оиласи ҳақида батафсил маълумот бериб, ҳўрсинганча "Шермуҳаммад ҳақиқий мард йигит эди, ҳамиша инсонларга ёрдам берарди, унинг оиласи ана шундай жонкуяр ўғлидан айрилди", деб қўйди.

Бизни қаҳрамонимизнинг онаси ва акаси қарши олди. Онаси Мунисхон опа саломлашгач, бизга узоқ тикилди, унинг нигоҳларидан руҳан тушкунлиги, юрагидан ҳали қайғу аримагани сезилиб турарди. Аввал ўғлини, кейин турмуш ўртоғини йўқотишдек оғир жудоликка ҳамма ҳам бардош беравермайди.

Оддийгина ҳовлига кириб бордик. Томорқага асосан мевали дарахтлар экилган.

– Бу дарахтларни укамнинг вафотидан кейин экканмиз, – дейди Нурмуҳаммад ака.

Ашировлар оиласида беш фарзанд бўлган: Нурмуҳаммад, уч қиз ва кенжа ўғил Шермуҳаммад. Улар мактабда аъло баҳоларга ўқишган. Нурмуҳаммад оиланинг улуғлари изидан бориб, шарафли ўқитувчилик касбини танлади. Бугунги кунда у Янгийўл туманидаги 19-умумтаълим мактабида директор ўринбосари бўлиб ишламоқда.

Шермуҳаммад ёшлигиданоқ ҳарбий бўлишга ҳавас қилар эди. Тенгдошларидан қатъиятлилиги билан ажралиб турарди, ҳамиша эътибор марказида бўларди. Кўпчилик ўртоқлари у билан маслаҳатлашар, ундан ўрнак олишарди.

– Мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ Шермуҳаммад адолат учун курашарди, тенгқурлари орасида етакчи бўлган, – дея гап бошлади Нурмуҳаммад ака. – У билимга чанқоқ эди, тарихга жуда қизиқарди. Хонамизда кўплаб китобларнинг тартибсиз ётгани худди кечагидек эсимда. Биз далага ишлаш учун кетганимизда у китоблардан айрилмасди. Мактабда, кўчада ёки уйда у ҳамиша ўқиганлари тўғрисида бизга гапириб берар, фикр алмашар, кўп баҳслашарди, лекин ҳамиша ўз фикрини ҳимоя қила оларди. Бир куни, синфдошларининг айтишича, укам тарих ўқитувчиси билан узоқ баҳслашиб қолган ва уни ўз фикрига ишонтира олган. Буни қарангки, бир неча йил ўтиб, укам шу ўқитувчисининг қизига уйланди. Умри қисқа бўлса-да, бахтли турмуш кечирди. Уларнинг Маҳмуда исмли қизчаси бор.

– Турмуш ўртоғим ҳам ёшлигида ҳарбий учувчи бўлишни орзу қилган, – дейди Шермуҳаммаднинг онаси Мунисхон опа. – Лекин унинг бу орзуси амалга ошмаган. Отасининг орзусини ўғли рўёбга чиқарди. У 4-5 ёшидаёқ учувчи бўлишни орзу қилишини айтарди. Уйимизда ҳатто ўғлимнинг учувчи бош кийимида тушган фотосурати ҳам бор. Шермуҳаммад ёшлигидан интилувчанлиги билан ажралиб турар, қийинчиликлардан қўрқмасди. Доимо жонкуяр эди, хўжалик ишларида менга ёрдам берарди.

– Авиация билим юртига ўқишга кирган йилларида унча катта бўлмаган ер участкамиз бўларди, биз у ерда сабзавот экинларини парваришлардик, – дейди Нурмуҳаммад ака. – Ҳар йили таътилга келган Шермуҳаммад дам олмай, хўжалик ишларига ёрдамлашиш учун ер участкамизга кетарди. Далада кечаси тунаб қолган кезларимизда у менга ўзининг курсантлик ҳаётидаги қизиқарли ҳикоялардан сўзлар, аэродинамика, вертолётнинг тузилиши тўғрисида батафсил маълумотлар берарди. Гап орасида ҳазиллашишни ҳам унутмасди. 90-йилларнинг бошларида Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртига ўқишга кирган Шермуҳаммад у ерда кўплаб инсонлар билан танишди. Мазкур билим юртида укам мамлакатимизнинг турли жойларидан келган курсантлар билан дўстлашди. Улар ҳозиргача бизникига келиб туришади.

– Шермуҳаммад мард йигит эди, – дейди Ш. Ашировнинг курсдоши ва яқин дўсти, подполковник Ш. Чориев. – У менинг ишончли, суянган дўстим эди. Эсимда, ўқиш йиллари у бўш вақтини кутубхонада ўтказарди. Китоблар бўйича биз фақат унга мурожаат қилардик, чунки унда аэродинамика, ҳаво навигацияси, учиш қоидалари тўғрисидаги адабиётлар кўп эди. Шу билан бирга, у бадиий адабиётга ҳам қизиқарди. Отрядимиз бир жойга тўпланганда, у бизга шеърлар ўқиб берарди. Уни инсоний фазилатлари ва юксак касб малакаси учун жуда ҳурмат қилардик.

Шермуҳаммад Ашировнинг қаҳрамонларча ҳалок бўлганига ўн икки йилдан ошди. Бироқ, бугун ҳам Ашировлар хонадонидан унинг дўстлари, курсдошлари ва хизматдошларининг қадами узилмайди. Улар Шермуҳаммадни, аввало, ўз Ватанининг жасур ҳимоячиси сифатида хотирлашади. Халқимиз тинчлиги ва осойишталиги учун ўз жонини қурбон қилган ўғлонлар ҳеч қачон унутилмайди. Улар ҳамиша хотирамизда яшайди.

**Адҳамбек РАШИДБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Орамиздаги одамлар

# ЮКСАК РАҒБАТ, УЛКАН МАСЪУЛИЯТ

**Кечагина кузатганимиз Мустаҳкам оила йили ангренлик ўқитувчи Наргиза Султонова учун энг ҳаяжонли йил бўлди. Салкам 20 йиллик иш фаолиятининг самараси, заҳматли меҳнатларининг меваси бўй кўрсатган Мустаҳкам оила йилида мамлакатимизнинг энг нуфузли мукофотларидан бири "Меҳнат шуҳрати" ордени эгаси бўлди.**

– Халқимизга беқиёс шодлик, эзгу ният, орзу-ҳаваслар рўёби учун катта умид, ишонч олиб келган Обод турмуш йилига қадам қўйдик, – дейди у. – Янги йил остонасида туриб ортга бир назар ташлаш, амалга оширган ишларимизни сарҳисоб қилиш одамзотга хос фазилат. Чунки олдинга қадам ташлаш, олға интилиш учун маънавий руҳ, кўтаринки кайфият, куч-қувват берувчи омил – кўнгил хотиржамлиги, ўз ишидан қониқиш. Шу маънода ўқитувчи деган шарафли номни, касбдошларим, шогирдларим ишончини оқлаётганимдан мамнунман...

Ангрен тиббиёт коллежи "Аниқ фанлар" кафедраси физика-астрономия фани ўқитувчиси Наргиза Султонова нафақат коллеж жамоаси, балки вилоят ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари ўқитувчилари орасида муносиб обрў-эътиборга эга. "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" доирасида, "Таълим тўғрисида"ги Қонун асосида ёш авлодга таълим-тарбия бериб келаётган муаллима аввало, кафедрада соғлом муҳитни яратиш, ўқиш-ўқитиш жараёнини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратади. Ахборот-коммуникация технологиялари, компьютер, мультимедиа, слайд ва бошқа замонавий, интерфаол усулдаги очиқ дарслар, дарсдан ташқари тўгаракларида турли беллашув, танлов, учрашувлар коллеж жамоаси томонидан юқори баҳоланиб, шаҳардаги бошқа коллежларда ҳам оммалаштирилмоқда.

Ўқитувчининг "Қиёслаш фикрни ривожлантиради", "Коллежда физикани ўқитиш", "Компьютерлаштириш – давр талаби", "Мустақил таълим фикрни ривожлантиради", "Мустақил ўзлаштиришда умумийлик" номли мақолалари, "Астрономия ўқитишни такомиллаштириш", "Физика фанини ўқитишда инновацион технологиялардан фойдаланиш", "Электр заряди, кулон қонуни", физика фанидан бўлимлар бўйича "Тестлар тўплами" каби услубий қўлланмалари вилоят коллежларида ҳам кенг татбиқ этилмоқда.

Алишер Навоийнинг 570 йиллигига бағишлаб ўтказилган "Физикада олам мужассам" ёки "Физика ҳаммага керак" номли тадбир ва танловларда ўқувчиларнинг фаол иштироки, қизиқиш ва интилишларида ўқитувчининг касб маҳорати яққол кўзга ташланади. Бу бежиз эмас. Ҳар қандай мутахассис ўз фанини пухта билгани ҳолда, маънавий олами юксак, айни пайтда ўқувчининг қиёфаси билан одамийлик, одоб-ахлоқ жиҳатидан барчага ибрат бўлмоғи шарт. Наргизахон мустаҳкам оила, ибратли хонадон соҳибаси сифатида вилоятимизнинг энг оқила, зукко аёллари қаторида "Йил аёли" танловида иштирок этиши ҳам бежиз эмас. "Аёл борки – бордир келажак", "Амир Темур – буюк саркарда" тадбирларининг ташкилотчиси ва фаол иштирокчиси Наргиза Султонова "Таълим тизимида педагог кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлашнинг замонавий ҳамда самарали усулларини амалиётга жорий этишнинг долзарб масалалари" мавзусида ўтказилган илмий-амалий конференциясида ҳам "Педагогик технология ўқувчиларнинг касбий шаклланишига таъсир кўрсатувчи муҳим омил" номли маърузаси билан иштирок этиб, қатнашчилар эътиборини, мутахассислар эътирофини қозонди. "Касб-ҳунар таълими" журналининг 2012 йилги 3-сонида чоп этилган "Тиббиёт коллежларида физика ўқитиш методикаси" номли мақоласи ўқитувчининг ўз касбига бўлган ихлоси, меҳри, садоқатидан дарак.

*"Қиёслаш фикрни ривожлантиради", "Коллежда физикани ўқитиш", "Компьютерлаштириш – давр талаби", "Мустақил таълим фикрни ривожлантиради", "Мустақил ўзлаштиришда умумийлик" номли мақолалари, "Астрономия ўқитишни такомиллаштириш", "Физика фанини ўқитишда инновацион технологиялардан фойдаланиш", "Электр заряди, Кулон қонуни", физика фанидан бўлимлар бўйича "Тестлар тўплами" каби услубий қўлланмалари вилоят коллежларида ҳам кенг татбиқ этилмоқда.*

Эртанги кун эгалари – ёш авлод тарбиясига алоҳида эътибор берилаётган мустақил Ўзбекистонда айнан фидойи инсонлар доимий эътиборда, муносиб рағбатга сазовор. Ёшлар маънавиятини юксалтиришда нафақат коллежда, балки маҳаллаларда, шаҳар, вилоят миқёсида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, диний экстремизмнинг олдини олиш бўйича маънавий-маърифий тадбирларда фаол ўқитувчи Наргиза Султонова ўзига топширилган "Меҳнат шуҳрати" орденини аввало юксак рағбат ва улкан масъулият деб ҳисоблайди. Обод турмуш йилидаги фаолиятини шу юксак масъулиятни ҳис этиб олиб боришга аҳд қилган.

**Сайёра РИХСИЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**


## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**"KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Юнусобод тумани СИБ томонидан 2012 йил 25 апрелдаги 15-сонли ижро варақасига асосан қуйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда:

1. Бошланғич нархи – 56 947 046 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Янги Қўйлиқ кўчасида жойлашган, умумий майдони 154,0 кв.м. бўлган, 2 та яшаш хонадан иборат 5-уй, 28-хонадон.

Аукцион савдолари 2013 йилнинг 15 февраль куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади. Юқорида кўрсатилган кўчмас мулк 2013 йилнинг 15 февраль куни сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдоси 2013 йилнинг 7 март куни бўлиб ўтишини аввалдан маълум қиламиз.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖнинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги ҳисоб рақамига 20208000104931635001, МФО 00425, ИНН 207128747, ОКОНХ 83400 тўлашлари шарт.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар расмий иш кунлари соат 9.30 дан 18.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига расмий бир иш куни қолганда тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

**Лицензия: № 0039.**

**"SPARETRA" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда: 1. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 15.02.2012 й. № 3915-сонли ижро ҳужжатига асосан 1983 й. и/ч., Ваз-2102 русумли, д/р 11 V 872 DA бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 1 357 131 сўм. 2. 15.02.2012 й. № 3912-ижро ҳужжатига асосан 1969 й. и/ч., Газ-21 русумли, д/р K 9894 ТШ бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 694 010 сўм. 3. 15.02.2012 й. № 3917-сонли ижро ҳужжатига асосан 1979 й. и/ч., Ваз-2102 русумли, д/р 11 P 6347 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 674 544 сўм. 4. 15.02.2012 й. № 3916-сонли ижро ҳужжатига асосан 1987 й. и/ч., Иж 2125 русумли, д/р 11 I 2296 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 701 234 сўм. 5. 25.02.2010 й. № 850-сонли ижро ҳужжатига асосан 1976 й. и/ч., М-412 ИЭ русумли, д/р 11 G 4538 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 285 531 сўм. 6. 11.05.2011 й. № 3171-сонли ижро ҳужжатига асосан 1977 й. и/ч., Уаз-452 А русумли, д/р 11 T 9673 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 1 128 325 сўм. 7. 19.03.2010 й. № 1618-сонли ижро ҳужжатига асосан 1987 й. и/ч., Заз-968 М русумли, д/р 11 S 1813 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 92 477 сўм. 8. 06.05.2010 й. № 5446-сонли ижро ҳужжатига асосан 1971 й. и/ч., М-412 русумли, д/р Ж 9191 ТШ бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 206 676 сўм. 9. 23.07.2012 й. № 7692-сонли ижро ҳужжатига асосан 1984 й. и/ч., Москвич-2140 русумли, д/р 11 V 5694 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 818 667 сўм. 10. 23.07.2012 й. № 7691-сонли ижро ҳужжатига асосан 1973 й. и/ч., Ваз-2103 русумли, д/р 11 Z 4513 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 2 539 836 сўм. 11. 14.11.2011 й. № 13129-сонли ижро ҳужжатига асосан 1977 й. и/ч., Уаз-452 русумли, д/р 11 L 48 29 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 744 280 сўм. 12. 14.11.2011 й. № 13129-сонли ижро ҳужжатига асосан 1985 й. и/ч., Уаз-452 русумли, д/р 11 N 2357 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 770 538 сўм. "Бекободсавдо" МЧЖда сақланмоқда. 13. 15.08.2011 й. № 10379-сонли ижро ҳужжатига асосан 1991 й. и/ч., ДТ-75 русумли, д/р.сиз бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 8 053 077 сўм. 14. 14.11.2011 й. № 13122-сонли ижро ҳужжатига асосан 1989 й. и/ч., Газ-5201 русумли, д/р 11 C 6984 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 667 225 сўм. "Зафар қурилиш инвест" МЧЖ омборида сақланмоқда. 15. Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 18.06.2012 й. № 7320/6-сонли ижро ҳужжатига асосан 2012 й. и/ч., Спарк русумли, д/р 01 W 724 KA бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 29 700 000 сўм. "Нумизматика" МЧЖда сақланмоқда. Аукцион савдоси 2013 йил 28 январь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. 16. Чилонзор тумани СИБ томонидан 20.12.2011 й. № 1-541/2011-сонли ижро ҳужжатига асосан 2006 й. и/ч., IVEKO русумли, д/р 31 R 1924 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 109 596 477 сўм. 17. 20.12.2011 й. № 1-541/2011-сонли ижро ҳужжатига асосан 2006 й. и/ч., HATSAN русумли, д/р 31 R 2316 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 57 719 900 сўм. "АРК булоқ" ТИФ пости ҳудудида сақланмоқда. 18. Сирғали тумани СИБ томонидан 18.01.2012 й. № 1117/17721-сонли ижро ҳужжатига асосан 2006 й. и/ч., Газ 322131-95 русумли, д/р 01 341 HAA бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 18 463 936,16 сўм. 19. 18.01.2012 й. № 1117/17721-сонли ижро ҳужжатига асосан 2006 й. и/ч., Газ 322131-95 русумли, д/р 01 014 EBA бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 18 463 936,16 сўм. 20. 18.01.2012 й. № 1117/17721-сонли ижро ҳужжатига асосан 2006 й. и/ч., Газ 322131-95 русумли, д/р 01 846 JAA бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 18 463 936,16 сўм. 21. 18.01.2012 й. № 1117/17721-сонли ижро ҳужжатига асосан 2006 й. и/ч., Газ 322131-95 русумли, д/р 01 168 HAA бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 18 463 936,16 сўм. 22. 18.01.2012 й. № 1117/17721-сонли ижро ҳужжатига асосан 2006 й. и/ч., Газ 322131-95 русумли, д/р 01 819 JAA бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 18 463 936,16 сўм. 23. Сирғали тумани СИБ томонидан 13.01.2012 й. № 10-1104/20588-сонли ижро ҳужжатига ва бошқа ижро варақаларга асосан 1996 й. и/ч., Тико русумли, д/р 10 AG 674 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 4 034 000 сўм. 24. 13.01.2012 й. № 10-1104/20588-сонли ижро ҳужжатига ва бошқа ижро варақаларга асосан 1996 й. и/ч., Тико русумли, д/р 10 AG 675 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 4 356 000 сўм. 25. 13.01.2012 й. № 10-1104/20588-сонли ижро ҳужжатига ва бошқа ижро варақаларга асосан 1996 й. и/ч., Тико русумли, д/р 10 AG 676 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 4 699 000 сўм. 26. 13.01.2012 й. № 10-1104/20588-сонли ижро ҳужжатига ва бошқа ижро варақаларга асосан 1996 й. и/ч., Тико русумли, д/р 10 AG 677 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 4 414 000 сўм. 27. 13.01.2012 й. № 10-1104/20588-сонли ижро ҳужжатига ва бошқа ижро варақаларга асосан 1996 й. и/ч., Тико русумли, д/р 10 AG 678 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 4 553 000 сўм. 28. 13.01.2012 й. № 10-1104/20588-сонли ижро ҳужжатига ва бошқа ижро варақаларга асосан 1996 й. и/ч., Тико русумли, д/р 10 AG 679 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 4 626 000 сўм. 29. 13.01.2012 й. № 10-1104/20588-сонли ижро ҳужжатига ва бошқа ижро варақаларга асосан 1996 й. и/ч., Тико русумли, д/р 10 AG 680 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 4 643 000 сўм. 30. 27.06.2011 й. № 1121/6473-сонли ижро ҳужжатига ва бошқа ижро варақаларга асосан 1997 й. и/ч., Тико русумли, д/р 10 AF 254 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 5 950 000 сўм. 31. 24.09.2012 й. ижро ҳужжатига асосан 2001 й. и/ч., Мерседес-Бенц русумли, д/р 10 AG 777 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 68 489 632 сўм. 32. 24.09.2012 й. ижро ҳужжатига асосан 2008 й. и/ч., Дамас русумли, д/р 10 BJ 015 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 30 896 350 сўм. 33. Ҳамза тумани СИБ томонидан 23.05.2012 й. № 1-162/12-сонли ижро ҳужжатига асосан 1984 й. и/ч., Ваз-2107 русумли, д/р 01 X 997 HA бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 3 200 000 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 12 февраль куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари 2013 йил 12 февраль куни савдода сотилмаган тақдирда, мазкур автотранспорт воситаларини сотиш юзасидан такрорий савдо 2013 йил 27 февраль куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "SPARETRA" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИнинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104887305002, МФО 00425, ИНН 301829604. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй. Тел.: 266-80-76.

**Гувоҳнома № 004593.**

**"CAPITAL REALTOR GROUP" МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

"Capital Realtor Group" МЧЖда 2013 йил 13 февраль куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган объект бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

I. Бўстонлиқ туман суд ижрочилари бўлими томонидан, Жиноят ишлар бўйича Тошкент вилояти судининг 2012 йил 12 ноябрдаги УКС-1-431/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани, Чимён қишлоғида жойлашган, умумий ер майдони 881 м.кв., умумий фойдаланиш майдони 295,5 м.кв. бўлган далаҳовли савдога қўйилган. Бошланғич нархи – 570 539 000 сўм.

II. Қибрай туман суд ижрочилари бўлими томонидан, Жиноят ишлар бўйича Тошкент вилояти судининг 2012 йил 12 ноябрдаги УКС-1-431/2012-сонли ижро варақаси асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар савдога қўйилган:

1. Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Матқобулов қ.ф.й., Юқори юз кўчаси, 20-уйда жойлашган, умумий ер майдони 1461 м.кв., умумий фойдаланиш майдони 589,4 м.кв. бўлган тураржой. Бошланғич нархи – 531 347 000 сўм.

2. Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Гулистон кўчаси, рақамсиз уйда жойлашган, умумий ер майдони 600 м.кв., умумий фойдаланиш майдони 234,5 м.кв. бўлган тураржой. Бошланғич нархи – 301 377 000 сўм.

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги кўчмас мулклар ушбу аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, уни сотиш юзасидан ўтказиладиган такрорий аукцион савдоси 2013 йил 28 февраль куни соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир кун қолганда соат 17:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "Capital Realtor Group" МЧЖнинг "Капиталбанк" ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО 01018, СТИР 207126662.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (8371) 250-19-24.

**Лицензия: № RR-0017.**

ООО "STARPAN-SERVIS", зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Сергелийского района г. Ташкента, расположенное по адресу: г. Ташкент, Сергелийский район, Южная промзона (ИНН 202007932) сообщает о реорганизации и присоединении фирмы к ООО "SPETSGAZELEKTROPROMMONTAJ" на основании решения учредителей за № 1 от 08.01.2013 г. Претензии принимаются в течение одного месяца со дня опубликования данного объявления по адресу: г. Ташкент, Сергелийский район, Южная промзона.

ООО "SPETSGAZELEKTROPROMMONTAJ" является правопреемником по всем правам и обязательствам ООО "STARPAN-SERVIS".

# Тошкент вилояти «Ғўза уруғчилиги» бирлашмаси

**2014 йил ҳосили учун уруғлик пахта етказиб бериш бўйича фермер хўжаликлари ўртасида тендер ўтказилишини эълон қилади.**

Тендерда иштирок этиш истагини билдирган фермер хўжаликлари раҳбарларининг аризалари вилоят "Ғўза уруғчилиги" бирлашмаси биносида 2013 йил 12 январдан 12 февралга қадар қабул қилинади.

**Манзил:** Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 12-уй, мўлжал: собиқ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси биноси ёнида.

**Мурожаат учун телефон: 255-37-64.**

**"KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ очиқ танлов савдосига таклиф этади!**

Танлов савдоларига Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Тошкент вилоят ҳудудий бошқармасининг 2012 йил 30 декабрдаги 143-С ва 2012 йил 30 декабрдаги 144-С-сонли буйруқларига асосан қуйидаги (бундан кейин "давлат активи" деб юритилади) давлат активлари қўйилмоқда:

I. Ангрен шаҳар ҳокимлиги балансида бўлган 4 та давлат активи,

– Ангрен шаҳар, 4-ноҳия ҳудудида жойлашган, бошланғич баҳоси – 57 755 000 сўм бўлган, "15-уйнинг ярим ер тўласи";

Давлат активи қурилиш ости майдони – 293,56 кв.м. Ертўлада сув ва электр тармоғи мавжуд.

– Ангрен шаҳар, Янгиобод қўрғони, Ғ. Ғулом кўчасида жойлашган, бошланғич баҳоси – 43 007 200 сўм бўлган, 7-уйнинг биринчи қаватидаги нотураржой майдони;

Давлат активи қурилиш ости майдони – 171,83 кв.м. Бинода сув ва электр тармоғи мавжуд.

– Ангрен шаҳри, Янгиобод қўрғони, Наврўз кўчасида жойлашган, бошланғич баҳоси – 27 502 400 сўм бўлган, 3-уйнинг биринчи қаватидаги нотураржой майдони;

Давлат активи қурилиш ости майдони – 84,96 кв.м. Бинода сув ва электр тармоғи мавжуд.

– Ангрен шаҳар, Янгиобод қўрғони, Театральная кўчасида жойлашган, бошланғич баҳоси – 157 500 000 сўм бўлган, 10-уйнинг биринчи қаватидаги нотураржой майдони қўйилмоқда.

Давлат активи қурилиш ости майдони – 467,64 кв.м. Бинода сув ва электр тармоғи мавжуд.

Балансда сақловчининг ихтисослиги: Маъмурий бошқарув.

Давлат активларини танлов савдолари орқали сотиб олишнинг асосий шартлари:

– энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;

– сотиб олиш қийматидан кам бўлмаган миқдорда инвестиция киритиш, янги иш ўринларини ташкил этиш мажбуриятларини олиш;

– сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.

II. Зангиота тумани Солиқ инпекцияси балансида бўлган, Зангиота тумани, Эркин ҚФЙ, Катта Ўзбек тракти ҳудудида жойлашган, бошланғич баҳоси – 694 570 000 сўм бўлган бино ва иншоотлар танлов савдосига қўйилмоқда.

Давлат активи ер участкасининг умумий майдони – 0,2705 Га, қурилиш ости майдони – 477,40 кв.м. Бино ва иншоотларида сув ва электр тармоғи мавжуд.

Балансда сақловчининг ихтисослиги: Маъмурий бошқарув.

Давлат активини танлов савдолари орқали сотиб олишнинг асосий шартлари:

– энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;

– сотиб олиш қийматидан кам бўлмаган миқдорда инвестиция киритиш, янги иш ўринларини ташкил этиш мажбуриятларини олиш;

– сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.

Юқорида қайд этилган давлат активларининг танлов савдолари 2013 йил 13 февраль куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Танлов савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 11 февраль куни соат 18:00.

Юқоридаги давлат активи 2013 йил 13 февралдаги танлов савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий танлов савдолари 2013 йил 20, 27 февраль ва 6 март кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати 2013 йил 20 февралдаги савдолар учун 18 февраль куни соат 18:00; 27 февралдаги савдолар учун 25 февраль куни соат 18:00; 6 мартдаги савдолар учун 4 март куни соат 18:00.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, давлат активлари бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖнинг ОАИТБ "Ипак йўли" Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўланади: 20208000904920609114, МФО 01036, ИНН 207122519.

Танлов савдоси натижаларига кўра ғолиб чиққан иштирокчига 20 кун ичида сотувчи (Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Тошкент вилоят ҳудудий бошқармаси) билан олди-сотди шартномаси расмийлаштириш мажбурияти юклатилади.

Савдо ғолиби томонидан тўланган закалат ўтказилган савдо натижалари тўғрисидаги баённомада қайд этилган сотиб олиш тўлови суммасининг 15 фоиздан камни ташкил этса, савдо ғолиби давлат активининг олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар сотувчининг банк ҳисоб рақамига ёки закалат шартномага мувофиқ савдо ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига етишмаётган суммани тўланишни таъминлайди.

Танлов савдолари Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорақамиш-1 кўчаси, 1-А уй манзилидаги бинонинг 4-қаватдаги мажлислар залида бўлиб ўтади.

Танлов савдоларини ўтказилиши ва танлов ҳужжатларини тўлдириш билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорақамиш-1 кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52, 228-84-48.

Веб сайт www.1kms.uz. Электрон почта манзили: rieltsavdo@inbox.uz.

**Лицензия: RR-0001.**

Юнусобод тумани ТСРЎИ томонидан 02.03.2012 йилда гувоҳнома рақами № 1009549 билан рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркор Разыкова Дилбар Абдуллаевнага тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр ва бир дона бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ООО "PERFECT ARENA GROUP", зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Шайхантахурского района г. Ташкента (реестр. № 006023-09 от 30.05.2012г.), расположенное по адресу: г. Ташкент, массив Джангох, д. 2, кв. 310 (ИНН 302314342), **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (Решение № 1 от 08.01.2013г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления.

ООО "TUMARIS FORCE", зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Мирабадского района г. Ташкента (реестр. № 006111-03 от 22.11.2012г.), расположенное по адресу: г. Ташкент, ул. Банокатий, д. 223 (ИНН 302425544), **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (решение № 1 от 09.01.2013г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования данного объявления.

Бўстонлиқ туманидаги 46-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 1995 йил 17 июнда Нурматов Сыргабай Мусурманкулович номига берилган АО № 019267 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Частное предприятие "DENTIST STOM" (ИНН 206940388, ОКПО 22217208), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского района г. Ташкента, расположенное по адресу: г. Ташкент, Чиланзарский район, Чиланзар-7-32-37, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (Решение собрания, протокол № 1 от 07.01.2013г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления.





Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 12 январь куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлади (ёмғир қорга айланади). Ғарбдан секундига 5-10 метр тезликда эсаётган шамол кучайиб, секундига 12-15 метрга етади. Кечаси 2 даража атрофида совуқ, кундузи 2 даража атрофида илиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлади (ёмғир қорга айланади). Баъзи жойларда туман тушади. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда эсаётган шамол айрим жойларда кучайиб, секундига 15-20 метрга етади. Кечаси 2-7 даража совуқ, кундузи 2-7 даража илиқ бўлади.


Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан 2010 йил 17 февралда № 390 реестр рақами билан рўйхатга олинган, Юнусобод тумани, Шарофобод кўчаси, 5-уйда жойлашган "BARS HIMOYA" адвокатлик фирмаси (ИНН 206971089) **ТУГАТИЛАДИ.**

Тугатиш тўғрисидаги 09.01.2013 йилдаги 1-сонли қарор. Кредиторлар ва дебиторлар даъволари 2 ой давомида қабул қилинади. Тел.: (90) 914-64-23.


Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармаси Бўка тумани "Халқ овози" газетаси бош муҳаррири Гулжаҳон Ёмғуровага падари бузруквори **Эгам ота ЁМҒУРОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Кўргазма

# ИЖОДИЙ ИШЛАРДА ҲАРБИЙЛАР ҲАЁТИ

**Ўзбекистон Бадиий академиясининг Тошкент фотосуратлар уйида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан армия ва халқ бирлиги, Қуролли Кучлардаги ислоҳотларга бағишланган ватанпарварлик мавзусидаги ижодий ишлар намуналари қўйилган кўргазма очилди.**

Ватан ҳимоячилари куни байрами муносабати билан ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари, ҳарбий билим юртлари ўқувчиларининг ижодий ишлари танловини ўтказиш анъанага айланиб қолди. Тошкент Фотосуратлар уйида ташкил қилинган кўргазмага муаллифларнинг фотолавҳалари, халқ амалий санъати, бадиий ҳунармандчилик ва тасвирий санъатнинг турли жанр ва йўналишларида яратилган асарлар қўйилган.

Ижодий ишларда асосий эътибор айнан шу масалага қаратилган. Шунингдек, кўргазмадан ўрин олган халқимиз бойлиги, турли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари акс этган санъат асарлари, Ватан ҳимоячиларининг портретлари ва оила аъзолари, табиат манзаралари, уй-жойлар акс этган рангтасвир асарлар ҳам киши диққатини тортади. Ватан ҳимоячиларининг Тошкент вилояти ҳудудларидаги фаолиятини ҳам фотосуратларда кўрамиз.

Қуролли Кучлардаги тиббиёт хизмати фахрийси Ғайбулла Алиевнинг Бўстонлиқ ва Паркент туманлари гўзал табиати қўйнида бунёд этилган уй-жойлар акс этган қатор рангтасвир асарлари ҳам экспозициядан ўрин олган. Уларнинг айримлари ўзига хос усул билан тошларда акс этган.

Кўргазманинг очилишида ўз асарлари билан қатнашиб, совринли ўринни эгаллаганлар диплом, фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.**

Спорт

# ШАХМАТЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ



**Ҳиндистоннинг Деҳли шаҳрида давом этаётган "Delhi International – 2013" халқаро шахмат фестивалида тажрибали гроссмейстеримиз Марат Жумаев ва истеъдодли ёш шахматчи Жаҳонгир Воҳидов совринли ўринларга даъвогарлик қилмоқда.**

Ўндан зиёд мамлакатдан 105 нафар шахматчи рақобатлашаётган мусобақанинг олтинчи турида Марат Жумаев мезбонлар вакили Рой Саптаршини мот қилиб, очколари сонини 4,5 тага етказди. Пешқадамлар сафида бораётган гроссмейстеримиз биринчи поғонани эгаллаб турган ҳиндистонлик Магеш Чандран Панчанатандан атиги ярим очкога ортда.

Халқаро тоифадаги спорт устаси Жаҳонгир Воҳидов олтинчи турда ҳиндистонлик Пи Локеш билан куч синашди. Рақибини чиройли усулда мот қилган ҳамюртимизнинг ҳисобида тўрт очко бор.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА шарҳловчиси.**

## БОКС



Озарбайжон пойтахти Баку шаҳрида ёшлар ўртасида ўтказилган халқаро турнирда 91 килограммдан оғир вазнли боксчилар орасида ҳамюртимиз Ғайбулла Қўчқоров мезбонлардан Темур Валиев ва Муҳаммадали Тоировни муддатидан олдин енгиб, олтин медални қўлга киритди.

Терма жамоамиз аъзоларидан Азизбек Абдужабборов кумуш, Шоҳбек Қодиров, Шоҳруҳ Набиев, Дилмурод Бозорбоев ҳамда Муҳаммадсалим Сотволдиев бронза медаль билан тақдирланди.

## ТЕННИС



Ўзбекистоннинг биринчи рақамли теннисчиси Денис Истомин Австралияда давом этаётган "Apia International Sydney – 2013" халқаро турнирининг чорак финалига чиқди. Яккаликлар ўртасидаги дастлабки босқичда австралиялик Жеймс Даквортни мағлубиятга учратган ҳамюртимиз иккинчи давра беллашувида испаниялик Фернандо Вердаскони 6:3, 6:3 ҳисобида енгди.

Навбатдаги баҳсда Д. Истомин ярим финал йўлланмаси учун Жанубий Африка Республикаси вакили Кевин Андерсон билан курашади.

**ЎзА.**

# ЎЗБЕК ЦИРКИ МАЛАЙЗИЯГА БОРАДИ



**Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигида Малайзиянинг Фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Абдул Азиз бин Хорун ҳамда "Bold Green" компанияси делегацияси аъзоларининг қабул маросими бўлиб ўтди. Маросимда ўзбек цирки усталарининг Малайзияга гастроль сафарини уюштириш бўйича шартнома тайёрлашга доир масалалар муҳокама этилди.**

Делегация аъзолари ўзбек циркининг ушбу сафари Малайзия маданий ҳаётида ўзига хос катта воқеага айланиши, шу мазмундаги гастроллар илгари ҳам бўлиб ўтганлиги, ўзбек санъаткорларининг сермазмун концертлари малайзияликларда катта таассурот қолдирганини таъкидлашди.

Гуруҳ раҳбари "Bold Green" компанияси бошқаруви аъзоси Тенгку Изаам Иззаири ва бошқа меҳмонлар самимий қабул учун ўз миннатдорликларини изҳор қилдилар ҳамда ўзбек циркининг жорий йилнинг март ойида Малайзияга гастроль сафари бўйича ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

**Манзура БЕКЧОНОВА, "Туркистон-пресс".**

Ҳалоллик




Қадимда катта бир олимнинг ҳузурига бозорда сув сотиб кун кўрувчи йигит келиб, унинг олти ёшли ўғилчаси устидан минг истиҳола билан арз қилибди. Маълум бўлишича, ҳазратнинг ўғилчаси мешкобчининг кўзини шамғалат қилиб, мешларини бигиз билан тешиб қочаётган экан. Бу ҳодиса беш-олти марта қайталанган бўлса-да, йигит ҳазратнинг ҳурмати учун индамаган экан. Олим йигитдан узр сўраб, тешилган мешларининг ҳақини бериб жўнатгач, ташвишга тушибди: "Тавба, нега бундай бўлди экан?.. Одамнинг ақли шошади".

Кейин хотинининг олдига кириб, бўлган воқеани айтибди: "Шунақа гаплар онаси. Демак, қай бир ўринда хатога йўл қўйганмиз. Акс ҳолда, ўғлимизда бундай қусур пайдо бўлмасди. Бу яхшилик аломати эмас..."

Олим ўғилчасининг ихтиёрсиз ҳаракатлари замирида қандайдир сабаб борлигини илғаган эди. Шу боисдан дарҳол ҳаракатга тушди. "Аввало, сабабини ўзимиздан излайлик, тарбиямизда бир қусур бормиди, еб-ичишимизда ноҳалоллик рўй бердими", деди хотинига. Ва ниҳоят, калаванинг учи кўринди.

Хотини туйқусдан бир воқеани эслади. Етти йил муқаддам, яъни ўғилчасига ҳомиладорлигида дугонасиникига меҳмонга боришади. Дастурхон тўла нознеъмат, дугонаси унга ҳали олма арчиб узатган, ҳали ёнғоқ чақиб майизга қўшиб берган, ҳали узум, ҳали новвотга таклиф қилган, хуллас, роса кўнглини олишга ҳаракат қилади. Бироқ аёлнинг кўнгли фақат баркашда қип-қизил бўлиб ёниб турган анорни тусайди, ҳар қанча егиси келса-да, таклифсиз қўл узатишга ийманади. Бироқ ўжар нафси ғолиб келиб, дугонаси бир юмуш билан ташқарига чиққанида анорнинг биттасини олиб, тўғнағич билан тешиб, сувини симиради...

– Бўлди, онаси, ҳаммаси аён бўлди, – деди ҳазрат ўйчан. – Энди тезгина бориб, дугонангиздан узр сўрайсиз.

– Вой, нима деб узр сўрайман? Арзимас нарсани...

– Арзимас деманг, Аллоҳ олдида ўзгалар ҳақининг катта-кичиги бўлмайди. Ўша арзимас тўғнағичингиз мана етти йил ўтиб, ўғилчамиз қўлида бигизга айланибди. Олтита мешни тешиб, бир мўминга азият етказибди. Сизнингча, бу арзимас нарсами?! Худо кўрсатмасин, яна етти йил, ўн йил ўтиб, бу бигиз нимага айланаркин?!

– Нафасингизни иссиқ қилинг, дадаси. Худо асрасин!

– Ҳа, Худо асрасин, десангиз олдини олинг. Ҳозир боринг-да, дугонангиздан ҳалоллик тиланг...

Кўриниб турибди-ки, аждодларимиз ҳалол луқма масаласини теран тушунганлар ва ризқ-рўз топишда энг олдин ҳалолликка эътибор бериш лозимлигини уқтирганлар.

Расули акрам (саллаллоҳу алайҳи ва саллам): "Ибодат ўн қисмдан иборат. Унинг тўққиз қисми ҳалол ризқ-рўз талаб қилиш. Қолган бир қисми барча ибодатлардир", деганлар. Бу Ҳадиси шариф замирида буюк ҳикмат бор. Демак, киши, ким бўлишидан қатъи назар, ризқини ҳалол меҳнат қилиб топиши лозим. Акс ҳолда барча хатти-ҳаракатлари самарасиз, оқибати кўнгилсиз чиқаверади. Чунки ноҳалол луқма, меҳнатсиз топилган ризқ қоринга тушгач, у танадаги ҳар бир тўқимаю ҳужайраларга тарқалиб, ички – кўнгил поклигига путур етказади. Кейинги ҳар қандай ғусулу таҳорат кор этмайди, зоҳирий таҳорат бўлиб қолаверади.

Шу ўринда бизга замондош атоқли олим, раҳматли устозимиз Нажмиддин Комиловдан эшитганим ибратли бир воқеани келтириб ўтсам: "Уруш пайтлари эди, – деб ҳикоя қилганди устоз. – Беш-олти ёшларда эдим. Бир куни нима ҳам бўлди-ю, болалик қилиб, амакимнинг томорқасидан бекитиқча картошка қазиб олиб, уйга олиб бордим. Онам сезиб қолдилар. Қўлларида косов билан олдимга келдилар.

– Агар олиб бориб жойига қўйиб келмасанг, яна шунақа қиладиган бўлсанг, мана шу таёқ билан бошингни уриб ёраман, – дедилар.

Айтганларидай қилиб, картошкани амакимнинг томорқасига ташлаб келганман... Эътибор қилинг, уруш пайти. Очарчилик. Одамлар бир бурда нонни деб бир-бирларини ўлдириб юборишлари мумкин бўлган пайтда ҳам, халқимиз ҳалолликни қўлдан бермаган. Чунки ҳалолликнинг қўлдан кетиши имонга путур етказади. Имондан ажраш – инсонийликни бой бериш, деган гап. Онамнинг бу танбеҳлари мени шундай фалокатдан асраб қолган, деб ўйлайман..."

**Қурбонали ТУРСУНОВ, вилоят бош имом-хатиби.**

Нигоҳ

# НАҲОТ ОДАМЛАР «СОРТ»ЛАРГА АЖРАТИЛСА?!



**Қирғизистон президенти А. Атамбоев аёлларни асфальтни қўпориб чиқадиган гиёҳга қиёслади. Ўзининг (хизмат) вазифаси нуқтаи назаридан аёллар ҳуқуқини ҳимоя қилувчи зотлар ҳам президентнинг кинояли, мажозий таърифини ўз "фалсафа"лари билан тўлдирдилар: "Қирғизистон аёлларининг аксарияти – йўл четида ўсган ўт мисоли. Эркаклар унга оёқларини артишади".**

Қисқаси, президент аёлларни алқайман, деб "қовун тушириб қўйди". У аслида, жамоатчилик эътиборини қирғиз аёлларига қаратиб, уларнинг мамлакат ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини кўкларга кўтариб мақтамоқчи эди, аммо акси бўлиб чиқди. Амалда аёллар жамиятнинг энг ҳуқуқсиз табақаси бўлиб, фақат болаларгина улар билан "рақобат" қилиши мумкин.

XXI аср ўз ҳукмини ўтказаётганига анча бўлганига қарамай, Қирғизистонда аёлларга нисбатан Ўрта асрлар сарқити бўлган ёввойи урф-одат ва расмрусумлар қўллаб келинмоқда. Шуниси ачинарлики, бундай ўтмиш сарқитлари республиканинг мустақиллиги даврида авж олиб, ўзига хос миллий уйғониш аломатига айланди.

Республика омбудсмани аппаратининг маълумотларига қараганда, мамлакатда йилига 15 мингдан зиёд қиз ўғирлаш ҳоллари қайд этилмоқда. Ички ишлар органлари эса, бу зарарли эскилик сарқитига лозим даражада эътибор бермаяпти. "Қиз ўғирлаш" удумига ҳам, зўравонлик актига ҳам жамиятда бирдек қаралмоқда. Шундай ҳоллар ҳам учраяптики "ўғирланган" қизларнинг айримлари ноиложликдан ўз жонларига қасд қилмоқдалар.

Бош прокуратуранинг маълумотларига кўра, 2000 йилдан 2012 йилгача хотин-қизларга нисбатан содир этилган 7314 та жиноят юзасидан иш қўзғатилди. Шундан 636 таси қотиллик, 2630 таси зўрлаб номусга тегиш, 3500 таси турли тан жароҳати етказишдан иборат. Республиканинг танг ҳолатлар марказларига йилига 10-11 минг қирғиз аёллари ёрдам сўраб мурожаат қилишади. Уларнинг 80 фоизи оиласидаги зўравонликлардан безиб, тинч бошпана излашади.

Экспертларнинг таъкидлашларича, давлат статистика органларининг расмий маълумотлари амалдаги аҳволдан кескин фарқ қилади. Эркаклар ва аёллар тенгҳуқуқлилигига оид кўплаб жиноят ва қонунбузарликлар жиноий ва маъмурий статистикаларда йўқолиб кетади. На ҳукумат, на прокуратура ва на ички ишлар органлари тенгҳуқуқлилик борасидаги жиноят ва қонунбузарликларни бир марта ҳам текшириб, таҳлил қилиб кўрмади. Бунинг ўрнига республикада мол ўғрилари учун ҳуқуқий жавобгарлик кучайтирилиб, жойлардаги ички ишлар бўлимларида шу иш билан шуғулланувчи махсус бўлинмалар тузилган. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари одатда уйдаги жанжални кўчага олиб чиқишни истамай, оилалардаги жабр-зулмнинг ижтимоий хавфини сусайтириб кўрсатади. Эркакнинг зўравонлиги, зулмкорлигига "ҳа, энди, сал ошириб юборипти" ёки "бу оилада бўлиб турадиган майда икир-чикирлар" қабилида муносабатда бўлинади.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари раҳбарларининг оилавий муаммоларга бундай нотўғри муносабатларига маҳаллий милиция бўлимидагилар ҳам хайрихоҳ бўлишаётгани вазиятни баттар ёмонлаштирмоқда. Улар учун муҳими золим эр хотинини ўласи қилиб калтакламаса ёки маст ҳолда ўлдириб қўймаса бўлгани. Яхшилаб муштлагани, хотини шифохонага тушиб, қандайдир мўъжиза билан омон қолгани ҳеч гап эмас. Эртасига яна бир-бирини хуш кўриб, кўникиб кетишади, дегандек. Ортиқча ғазаб туйғусига берилмасалар бўлгани.

Бундай ҳолни фақат Бишкек шаҳрида хаёл қилиш ва ўзни "кўрдингларми, биз қандай маърифатлашган одамлармиз" дея кўрсатиш мумкин. Аммо, олис ва чекка қишлоқларда золим эр дастидан жабр кўрган аёллар нафақат раҳм-шафқат кўришмайди, балки золим эрнинг зулми ва таънаю дашномларига чидаб яшашга мажбурлар.

Ўзини ўзи бошқариш органлари ва маҳаллий милиция оилавий жанжаллардан ўзини олиб қочишга уриниш билан чекланмай, "овози чиқиб қолган" қирғиз аёлларини таъқиб қилишга ўтади. Эри томонидан камситилган, ҳақоратланган аёлнинг "атрофидаги қўшнилар, қариндошлари нима деркин" қабилидаги баҳона билан уни ёмон отлиққа чиқаради. Бошқача айтганда, у эрининг измида бўлиш ўрнига, оилавий турмуш асосларига қарши бош кўтарди деб айбдор ҳам қилинади.

Шу муносабат билан бир ибратли далил келтирамиз. Қирғизистонда "Оиладаги зўравонликдан ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя тўғрисида" қонун бор. "Аммо у мутлақо ишламади" дея тан олди "Демократик жараёнларни тадқиқ этиш маркази" жамоат фонди директори Т. Исоқулова. Аммо, энг қизиғи, "Нима учун бу қонун "ўлик туғилди?" деган саволга бу "жамоатчи аёл" берган жавоб янада "намунали" бўлди. Унинг жавобидан орсизлик дейсизми, сурбетлик дейсизми, шундоққина уфуриб турибди. Бунданам қизиғи шуки, бу жавоб Қирғизистонда устувор бўлиб турган нуқтаи назарнинг амалдаги аксидир. Т. Исоқулованинг тили билан айтганда "Ўғиллар оталарнинг хулқ-атворидан нусха олишади, қизлар жабрдийда оналар ўрнини эгаллашади".

Агар ушбу даҳшатли ифода қисмларга ажратилиб ва Ўрта Осиёдаги демократик республикага оид қуруқ сафсаталар олиб ташланса, "демократик кўргазма" ортидаги Қирғизистон аҳолисининг ярмидан кўпи, яъни аёллар "иккинчи сорт" одамлар бўлиб чиқади.

**Александр ЖЕЛЕЗНОВ. www.centracia.ru**

Муносабат

# ТАФТИШЧИМИ ЁКИ ТАЛОВЧИ?

Вилоят тафтиш комиссиясининг Пискент туманидаги умумтаълим мактабларида ўтказган текширувлари ва унинг ортидан келиб чиққан кўплаб қинғирликлар ҳақидаги "Ўзбекистон" телеканали орқали "Жиноятга жазо муқаррар" рукни остида намойиш этилган кўрсатувни кузата туриб, шуни англадимки, жамиятда рўй бераётган жиноий хатти-ҳаракатлар, айниқса, порахўрликни камайтириш, бу иллатнинг илдизига болта уриш учун шу жамиятнинг ҳар бир онгли фуқароси бир тану бир жон бўлиб курашмоғи лозим. Акс ҳолда бундай товламачиликларни тугатиш жуда қийин кечади.

Хўш, тафтишчилар аслида нима учун текширув ўтказади-ю, унинг оқибати нима бўлади? Йиллар давомидаги кузатувлардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, бундай текширувчилар гуруҳи жойларга чиқиб, ҳолатни ўрганганидан сўнг, аниқланган камчилик ва муаммолар бартараф этилади.

Пискент туманидаги бир нечта таълим муассасаларини текширган вилоят тафтиш комиссияси эса аксинча, бошқача йўл тутган. Муассасалардаги ҳолатни ўрганиб, сунъий равишда камчиликларни аниқлаб, далолатномалар тузишган. "Айби бор одамнинг оёғи қалтирайди" деганларидек, таълим муассасалари раҳбарлари ҳам ўзларидан қўрқибми ёки бошқа сабабданми, текширувчиларнинг "кўнглини олиш"га ўтишган. Аслида шундай муносабатни кутган текширувчилар ўз мақсадларини туман молия бўлими бошлиғи орқали амалга оширишга уринишган.

Аввалига тафтиш гуруҳи раҳбарининг талаби билан унинг рўзғорига бозорлик қилиб беришган. Бу орада ҳар кунги қуюқ-суюқлару базми жамшидлар ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Туман мутасаддилари иш шу билан якун топади, деб ўйлашган чоғи. Йўқ ундай бўлмади. Тафтишчиларнинг нафси резина халтадек тобора катталашиб борди. Энди нақдига ўтишди. Гуруҳ раҳбари "кўки"га зарурат туғилганини баҳона қилиб, таъмагирлик қилди. Минг АҚШ долларини қуртдек санаб олди. Бу орада таълим муассасалари раҳбарлари орасида турли гап-сўзлар урчиди, айрим раҳбарлар эса текширувчиларнинг бу хатти-ҳаракатлари ноқонуний эканлигига ақллари етди.

Хуллас, навбатдаги пора таъмагирларга берилаётган пайтда Миллий хавфсизлик ходимлари бу ўйинларга нуқта қўйишди.

Тафтиш гуруҳи раҳбари ўзига қўйилган айбларни рад этишга ҳаракат қилиб, анча тер тўкди. Аммо, ғишт қолипдан кўчган, гувоҳлар ва шу иш билан алоқадор бўлганларнинг берган кўрсатмалари билан унинг қилмишлари сув юзига қалқиб чиқиб бўлганди.

Минг афсуски, жамиятимизда бундай чиркин ҳолатлар оз бўлсада ҳали-ҳануз учраб турибди. Мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, ўз манфаати йўлида ҳеч нарсадан тап тортмаётган мансабдор кимсалар турли ташкилот ва муассасаларнинг фаолиятига тўсиқ бўлмоқда. Ўз нафслари йўлида "сунъий тўғон"лар қуриб, шу орқали ўзларининг жиноий хатти-ҳаракатларини амалга оширмоқдалар.

Оммавий ахборот воситалари орқали намойиш этиладиган бундай кўрсатувлар аввало нопок кимсаларни, қолаверса, барчани ҳушёрликка, огоҳликка чорлаши тайин.

Демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этилаётган юртда эминэркин яшашни орзу қилган ҳар бир киши бундай иллатларга бефарқ бўлмаслиги, уни бартараф этишга муносиб ҳисса қўшмоғи лозим.

**Ёрмат АСИЛОВ.**

Истеъмолчи доимо ҳақ

**Зангиота тумани Эркин шаҳарчаси Эркин кўчасидаги 33-уй эгаси А. Аҳмедовдан ҳудудий бирлашмамизга шикоят-ариза тушди. Унда баён этилишича, "Зангиотатумангаз" филиали ушбу истеъмолчига 2012 йил 1 декабрь ҳолатига газдан фойдаланганлик учун 404 минг 725 сўм 74 тийин қарз ҳисоблаган.**

# НАЗОРАТЧИ ЖАЗОЛАНДИ

Бирлашмамиз ходимлари бу ҳолатни бевосита жойига чиқиб, туман газ филиали вакиллари иштирокида ўрганди. Маълум бўлдики, 33-уй эгаси газ ҳақини ҳисобдон бўйича узлуксиз тўлаб келган. 2012 йил 9 декабрь ҳолатига ҳисобдонда 39071 куб метр газ ёқилгани қайд этилган бўлиб, хонадон унинг ҳақини тўлиқ тўлаган. Қайта ўрганиш чоғида ҳисобдон кўрсаткичи бўйича 404 куб метр, яъни 49 минг 631 сўмлик газ ёқилгани аниқланди.

Қайта ҳисоб-китоб якунига мувофиқ асоссиз деб топилган 355 минг 94 сўм 34 тийин, яъни 2890,4 куб метр газ ҳисобдан чиқарилди.

Хонадонга асоссиз қарз ҳисоблаган туман газ назоратчиси Ш. Алихоновга нисбатан интизомий жазо чораси қўлланилди.

**Гавҳар СОАТОВА, вилоят истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмаси мутахассиси.**

Рассом хандаси

Оилада ким чемпион?




ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail:
th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 236-55-59, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 236-55-54.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи
Бекзод ҲИДОЯТОВ
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма J 6172. Адади 16680. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 21.10.